

БУХОРО ВАЗИРИ НАСРУЛЛОХБЕЙ ПАРВОНАЧИ АФАНДИ ХАЗРАТЛАРИНА ОЧИК МАКТУБ[1]

(Эй Вазоратпанох[2], биз тартиботи жадидага мухтожмиз)

Аниқдирки, ҳеч қайси миллат ҳеч бир замонда бизда бўлганидек юрти хароблик, халқи фалокат, аёнлари пасткашлик, идора аҳли фасод, золимларнинг қон сўриши, ажнабийлар қалақалари, истикболнинг мушкуллиги қаби иллатларга мубтало бўлмаган! Бутун мамлакат ва миллатни шу аҳволга келтириб қўйдикки, дунёдаги энг қийин ва ташвишли кунларда яшаётган одамлар ҳам бизнинг ахволимизга маънос тортиб, қон йигламоқдалар. Ҳар қанча кўз ва қулоқларингизни беркитиб олсангиз ҳам бу қадимги ислом миллатининг фарёди ва бу муқаддас мамлакатимизнинг хароблигига ачинмай туролмайсиз. Лекин бу жимгина ачинишдан не фойда? Бу кетма-кет келаётган мушбатлараро Сиз қаби қомил шахснинг ҳаракатсиз ачиниши ва суқут ҳолати қачонгача давом этади? Бу қун мазлум ислом миллатининг энг ойдин фикрли зиёлилари жаҳолат ва гафлатнинг икки отига миниб ўз қамситилишининг пайини қирқиб учун чопмоқдалар. Муқаддас ва меҳрибон она ватанимизнинг ўз ҳақини таниган фарзандлари зулм темир панжасидан тортиб уни қано саҳросига[3] томон тортмоқда. Бу қун залолат ва гумроҳлик занжирининг асири бўлган бизнинг ҳолимизга Ҳазрати Раббъ ул-иззатнинг[4] раҳми бўлиб юборилган Сизсиз ва бизнинг тождор олий ҳазрат падари меҳрибонимизни[5] ҳозирги ва қелгуси мушкулликлардан Сизгина ҳабардор эта оласизки, (амир) бизнинг ишларимизни назоратига Сизни жалб этган. Яъни Ҳазрати Холиқнинг қарами ва адолатпарвар подшоҳимизнинг лутфи Сизни нафакат бу умри қаршон ва истибдодпеша бўриларга ўлжа бўлиб, қўрувчисиз қолган қўйларга меҳрибон чўпонликка эмас, балки уларнинг ишларини танзим қилиш[6], тартибга солиш учун юборгандир. Биз Сизнинг ишга тайинланган қунингизни ўз ҳаётимизнинг муқаддимаси деб қилдик ва ишга маъмур бўлиб қирқиб қунингизни ўз миллий байрамларимиздек нишонладик. Таассуфки, бугунга қадар интизор қўзларимизни қанчалар тикмайлик, истикболимизнинг саодати учун ташаббус бўладиган бирор ишни Сиздан қўрмадик.

Эй, меҳрибон она Ватаннинг барқамол фарзанди!

Эй, Бухоро эзилган миллатининг бесабот тарафдори! Сиз умр бўйи ўзининг ноз ва тантаналарга бой оғушида Сизни тарбиялаган азиз ва муқаддас ватанингизнинг ишларини хароблик ва қаршонликнинг қора қунларига улоқтириб қўйиб, унинг остидан ўт ёқиб келаётган балоларга мубтало қилиб, нега жим ўтирибсиз?! Ҳамиша ҳақ динимиз ва шаръий Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг адолатлари соясида тинчлик ўрнатиб қелинган ватанимиз қимсасизми ё хароб ҳолдами қолди! Минг қил ҳавфу қатарларга дучор бўлди! Соатма-соат Сизга умидвор қикилган қўзларимиз юмилмоқда. Сиздан ёрдам ва нажот амалларини қутишдан қолмоқда. Сиз нега жим ўтирибсиз? Шу мазлум ислом умматининг умиди, ҳаётимизнинг барқоти Сизнинг сайъ-ҳаракатингиз ва қимматингиздир. Бу бахтсиз ислом миллатининг қиммати ва муқаддас шаръий Динимизнинг мустаҳқамланиши, албатта, Сиздан қозимдир. Бу муқаддас қиммат йўлида бир дам бўлсин суқкашлик қилишга Сизнинг ҳаққингиз йўқ! Сўзингизнинг нуфузи ва

улугвор таъсири бўлгани холда бу куфрони неъмат хабаридан ожизлигингинг маъноси нима? Нима сабабдандирки, сиз ўзингиздан лозим хизматларни ошкор, очик килмайсиз? Турли фиркалар орасида улуг ишларнинг ташаббускори бўлаётган ўша химмат арбобларининг Сиздан не устунлиги бор? Не монеълик борки, тартиботи жадида воситаси билан миллий саодатимизнинг янги истикболли йўлларини очиб, кадримиз ва тақдиримизни аъло даражада шарафлай олмайсиз? Бир зоти комилнинг ҳақки учун Ватанимиз ҳамдўст ва ҳамдин кишиларга тўла бўлса канчалар савоб?! Бир миллатнинг хаёти учун кайгуруб, Аллохнинг фазлу карамига сабаб бўлмоқдан кайси шухрат ортиқроқдир? Раият орасида Сизга нисбатан ихлос ва мухаббат бор, бу Яратганнинг карамидирки, Сизни фавқуллода нуфуз сохиби килиб бошимизга юборди. Олий хазрат тождор падари бузрукворимиз, адолатпарвар подшоҳимиз бизни тарбият ва танзим[7] этмак амрини Сизга берган. Не тўсикки, Сизни бу муқаддас хизматдан кайтарсин?! Магар бошқалар гафлатда колган бўлсалар, Сизда гафлат килманг. Бошқалар гафлатининг ташвиши Сизнинг гафлатингизчалик бўлмайди. Науззибиллох[8], бундай муқаддас вазифани бажаришда сусткашлик килсангиз эртага интиком олгучи Аллохнинг хузурида нима деб жавоб берасиз?!

Нуширавон[9] намўрд ки номи неку гўзошт (Нуширавон ўлмади, чунки яхши ном колдирди).

[1] Фитратнинг бу мактуби илк бор 1910 йили Истанбулда чиқадиган «Таъруфи муслимин» («Мусулмонлар таърифлари») номли «диний, сиёсий, тарихий, фалсафий ва ахлоли олам»дан бахс килувчи ҳафталик мажалла саҳифаларида, (1328/1910 йил, 25-адад, 2-жилд; 8 декабр, пайшанба) эълон қилинган. Мактуб Амир Олимхон Бухоро тахтига ўтиргандан кейин Насруллох Парвоначининг бош вазир лавозимига тайинланиши муносабати билан ёзилган. Фитратнинг Истанбулда чоп этилган илк асарлари каби бу мактуб ҳам форс тилида битилган. Гарчи мажалла турк тилида чиқиб турган бўлса ҳам Фитратнинг бу мактубини айни холда, яъни форс тилида чоп этган. Асар форс тилидан таржима қилиниб, эълон қилинган. Дастлаб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг 1996 йил 9 май сонидан эълон қилинган (мутаржим Х. Болтабоев).

Фитратнинг бошқа жадидчилик руҳига ҳамоҳанг бўлган бу мактуб улуг адибимиз салоҳиятининг янги қирраларидан китобхонни хабардор этади деб ишонамиз.

[2] вазоратпанох — вазирларни паноҳига олган. Бу ерда: бош вазир лавозими.

[3] фано саҳроси — йўқлик гирдобини.

[4] Хазрати Рабъу-л-иззат — Аллохнинг сифатларидан бири билан унинг муборақ номи тилга олиняпти.

[5] Падари меҳрибонимиз — Бухоро тахтига янгигина чиққан Амир Олимхон назарда тутилади.

Муаллиф:

13.03.2014 23:57 -

[6] танзим килиш — низомга, тартибга солиш.

[7] тарбият ва танзим — тарбия ва тартиб.

[8] Наузибиллох — Аллоҳдан паноҳ сўрамок.

[9] Нуширавон ёки Ануширвон — машхур Эрон (сосоний) хукмдорларидан бўлиб, истибдодпеша саркардалар орасида факат яхши ном бидан, яъни адолатли подшоҳ сифатида тарихда колганига ишора.